

Қуйидаги расмда PDF форматидаги файл намунаси берилған.

Scandinavian Journal of Educational Research, 2014
Vol. 58, No. 3, 269–280, <http://dx.doi.org/10.1080/00313831.2012.726273>

Routledge
Taylor & Francis Group

Teacher educators' digital competence

Rune Johan Krumsvik
University of Bergen

This position paper focuses on how the new national curriculum for school and the new general plan for teacher education in Norway change the underlying premises for teaching and learning in today's teacher education. This has become particularly pressing as a result of the new educational reform 'Knowledge Promotion' in schools, whereby digital competence is now the fifth basic competence in all subjects at all levels, as well as in the new teacher education curriculum in Norway. Against this background, the aim of this position paper is to elaborate on how a digital competence model can function on a micro level to fulfil the intentions from the national and institutional policy level. The research question considered by this paper is whether (and if so, how) a digital competence model for TEs can function as a model on an individual level.

Keywords: teacher educator, digital competence, ICT, policy documents

3. ProQuest

3.1. Компания ҳақида тарихий маълумотнома


ProQuest - Америка компанияси бўлиб, барча билим соҳалари бўйича электрон ахборот ресурсларнинг энг йирик жаҳон таъминотчиси ҳисобланади ва 1960-йиллардан бошлаб фаолият кўрсатади.

2007 йилнинг феврал ойидан бошлаб CSA (Cambridge Scientific Abstracts) – рефератив-библиографик маълумотлар базаларининг энг йирик жаҳон нашриёти билан ProQuest Information & Learning – тўлиқ матнли ахборотларнинг энг йирик жаҳон таъминотчисини бирлашиши натижасида замонавий ProQuest компанияси ташкил топган.

Мазкур таъминотчининг маълумотлар базаси энг аввало олий таълимга, илмий тадқиқотларга ва амалиётга йўналтирилганлиги боис, дунёнинг турли мамлакатларидаги университетлар, илмий ташкилотлар, компаниялар ва корпорациялар ушбу компаниянинг асосий обуначилари ҳисобланади. Ресурсларнинг умумий миқдори асосий фан соҳаларининг деярли барча мавзули бўлимлари: техник фанлар ва энг сўнгги технологиялар, табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар, бизнес, бошқарув, иқтисод ва санъат бўйича 1 500дан зиёд маълумотлар базаларидан иборат.

ProQuest таркибига журналлардаги юз минглаб мақолалар, бутун дунё бўйлаб чоп этилаётган 60 мингдан ортиқ нуфузли журналлар, 700 000дан зиёд китоблар, дарсликлар,

монографиялар, деярли 2.5млн. диссертациялар, тарихий газеталарнинг 30 млн. ракамлаштирилган саҳифалари, интерфаол тарихий ва географик ҳариталар, мультимедиа шаклидаги тарихий воқеаларнинг тавсифлари, аудио ва видео материаллар киради.



3.2. Ресурсларнинг қисқача шархи

ProQuest Digital Dissertations and Theses – 80та мамлакатларнинг университетларидағи магистрик ва докторлик диссертациялар бўйича электрон тўплам ҳисобланади. Диссертацияларнинг ва авторефератларнинг дунёдаги энг тўлиқ тўпламидир. Маълумотлар базаси турли мамлакатларнинг 1,7 мингдан ортиқ университетларидағи муаллифлик ишларини ўз ичига олади. Жами 2,7 млн. атрофида муаллифлик ишлар бор. Улардан 1,2 млн.дан ортиғи PDF форматидаги тўлиқ матнларга эга. Архив чуқурлиги - 1637 йилдан бошлаб ҳозирги вактгacha бўлиб, рус тилига Online таржима қилиш имконияти мавжуд. 600 000 га яқин тиббиёт бўйича диссертациялар бор.

ABI/INFORM – бизнес ва бошқарув бўйича журналларнинг етакчи жаҳон маълумотлар базаси ҳисобланади. ABI/INFORM «Оиласи» тадқиқотнинг турли вазифалари учун маҳсус маълумотлар базаларини ўз ичига олади:

ABI/INFORM Global - 1000дан зиёд тўлиқ матнли журналлар, шунингдек савдо соҳасига оид энг оммабоп журналлардан иборат. Бундан ташқари диссертациялардан, иш ҳужжатларида, ҳисоботлардан, янгилик манбаларидан ва бошқалардан эркин фойдаланиш мумкин.

ABI/INFORM Research - бизнес соҳасига таалуқли энг сўнгги маълумотларни олишда мутахассислар таянадиган ресурс бўлиб ҳисобланади. ABI / INFORM 1880дан ортиқ журналларни ўз ичига олиб, улардан 1250таси тўлиқ матнга эга. Бу ресурс бизнес, молия, фармацевтика, ишлаб чиқариш ва бошқа кўплаб турли соҳаларни ўз ичига олади. Журналлар орасида қўйидагилар бор:

- Advertising Age
- Strategic Finance
- MIS Quarterly
- Business Week
- Leadership & Organization Development Journal

ABI/INFORM Trade&Industry - бу йирик тижорат ва саноат соҳасидаги мутахассислар таянадиган янгиликлар манбасидир. 3140дан зиёд нашрлар учун компанияларнинг, маҳсулотларнинг, соҳа раҳбарларининг ва бошқа мавзуларнинг ҳар томонлама таърифини ўз ичига олиб, улардан 2930дан ортиғи тўлиқ матнга эга. ABI/INFORM Trade&Industry ёрдамида фойдаланувчилар телекоммуникация, компьютер муҳандислиги, транспорт, қурилиш, нефть кимёси ва шу каби соҳаларни ва аниқ касбларни ўрганишлари ва қиёслашлари мумкин. Журналлар орасида қўйидагилар бор:

- Candy Industry
- Airline Industry Information
- Global Cosmetic Industry
- Hospital Business Week
- R & D

3.3. ProQuest Digital Dissertation and Thesis. Қидирув имкониятлари

Маълумотлар базасини танлаш

Қидирувни бошлишдан олдин маълумотлар базасини аниқлаб олинг. Айни пайтда қайси маълумотлар базаларида қидирув бажарилаётганлиги ҳакида ахборот ProQuest ойнасининг юқори қисмида жойлашган кўк рангли панелда қўйидаги тарзда акс эттирилади:

The screenshot shows the ProQuest Dissertations & Theses A&I search interface. At the top, there's a teal header bar with the 'ProQuest' logo. Below it, a navigation bar includes links for 'Все базы' (All databases), 'базы: Диссертации и дипломные работы' (Dissertations and Theses), 'ProQuest Dissertations & Theses A&I', and 'Change databases'. The main search area has a large input field with a placeholder 'Search' and a magnifying glass icon. Below the input field are two checkboxes: 'Полный текст' (Full text) and 'Только докторские диссертации' (Only doctoral dissertations). To the right of the input field are links for 'Расширенный поиск' (Advanced search) and 'Советы по поиску' (Search tips). The overall layout is clean and modern.

Қидирув учун белгиланган базалар рўйхатини кўриб чиқиши учун базалар сонига сичқончани келтириб тугмани босинг, ва очилган ойнада **Выбранные – Танланган** тутмасини босинг. Базалар рўйхатини уларнинг номлари ёки фан соҳалари бўйича кўриб чиқиши мумкин. Базалар тавсифи ва уларнинг номлари рўйхати (агар бор бўлса) каби кўшимча маълумотларни кўриб чиқиши учун **Посмотреть сведения о базе –База ҳақидаги**

маълумотларни кўриб чиқиши тутмасини босинг (Выбор баз – Маълумотлар базасини танлаш саҳифасининг батафсил кўриш ҳолатига ўтиш учун).

Базаларни танлаш

Танланган базалар рўйхатини **Выбор баз – Базаларни танлаш** саҳифасидан ёки базалар даражасидан ўзгартериш мумкин. Қидиув учун керакли бўлган базаларни танланг ва **Использовать выбранные базы – Танланган базалардан фойдаланиш** тутмасини босинг. Ҳамма базаларни танлаш ёки бекор қилиш учун рўйхатнинг юқори қисмида байроқча белгисини қўйинг ёки олиб ташланг.

The screenshot shows the ProQuest search interface. At the top, it says "ProQuest". Below that is a navigation bar with "Простой поиск", "Расширенный поиск", "Обзор", and "Базы (1)". The "Базы (1)" tab is selected. The main area is titled "Выбрать базы". A note says: "Совет: Добавьте ярлыки баз., чтобы облегчить выбор одной или нескольких избранных баз. Выберите базы для поиска, а затем нажмите «Использовать выбранные базы» для перехода к форме поиска." To the right is a green button labeled "Использовать выбранные базы". Below this are two tabs: "Кратко" and "Подробно". Under "Подробно", there's a note: "Обратите внимание, что в основном базы содержат информацию на английском языке, если в описании не указано иное." There are several checkboxes: "Выбрать все", "Полный текст включен", "Пробная версия на ограниченное время", and one for "ProQuest Dissertations & Theses A&I" which is checked. This checkbox has a note: "Междисциплинарная – диссертации" and "Предметные области: Диссертации и дипломные работы". At the bottom right is another green button labeled "Использовать выбранные базы".

Выбор баз - Базаларни танлаш саҳифасидаги танланган базалар рўйхатининг таркибий қисмларини **Краткий просмотр – Қисқача кўриб чиқиш** ёки **Детализированный просмотр – Батафсил кўриб чиқиши** ҳолатларида кўриш мумкин. Рўйхатнинг тепасидаги ҳаволалар (ссылки) кўриниш шаклларини ўзгартериш имконини беради.

Қисқача кўриб чиқиш: базаларнинг номи ва яратилиш санаси, тўлиқ матнга ва база ҳақида қўшимча маълумотларга келтирилган ҳаволалар. Шунингдек, тадқиқотлар базалари ҳам акс эттирилади.

Батафсил кўриб чиқиши ҳолати **Қисқача кўриб чиқиш ҳолатидаги маълумотлардан ташқари, қуйидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади:**

- База таркибидаги маълумотлар турлари
- Мавзулар
- База таркибидаги номларнинг рўйхати (агар бор бўлса)

Базаларни кўриб чиқиши ҳолатини танлаш

Просмотр по названию – Номлар бўйича кўриб чиқиши ҳаволаси барча мавжуд базалар рўйхатини алфавит кетма-кетликда кўриб чиқиши имкониятини беради. **Просмотр по темам – Мавзулар бўйича кўриб чиқиши** ҳаволаси танланган мавзуга таалуқли бўлган базаларни акс эттиради.

Маълумотлар базаси бўйича қўшимча маълумотлар


Ҳар бир маълумотлар базасининг бош саҳифасида қўйидаги ахборотни топиш мумкин:

- Маълумотлар базасининг қисқача таърифи

- Мавзуу даври
- Номлар рўйхати
- Ҳар бир базага оид қўшимча маълумотларни www.proquest.com сайтида кўришингиз мумкин.

Оддий қидирув

Қидирув майдонига битта ёки бир қанча сўзларни киритинг ва **Поиск – Қидирув тутгасини** босинг.



Аниқ иборалар қидируви

ProQuest қидирув тизими белгиланган сўзларни алоҳида эмас, балки ибора шаклида излаши учун қидирув майдонига киритилган сўзларни қўштириноқ ичига олинг, масалан: "**semantic web**" ёки "**semantic web technologies**".

Қидирувни чеклаш

- Нафақат иқтибосни (цитата) ва абстрактни (аннотация), балки тўлиқ матнли хужжатларни излаш учун **Полный текст – Тўлиқ матн байроқча** белгисини қўйинг.
- Сифатни сақлаш мақсадида қидирувни шу соҳадаги мутахассислар томонидан баҳоланганд тадқиқотлар билан чеклаш учун **Рецензированные:рецензированный** - **Тақриз қилинганлар:тақриз қилинган** ўтказгичини ёқинг.
 - **Поиск публикации — Нашр қидируви** - муайян нашрлардаги мақолаларни излаш ёки газета ва журналларнинг нашр сонларини кўриб чиқиши.
 - **Поиск фраз — Иборалар қидируви** - ибораларни излаш учун сўзларни қўштириноқ ичига олиш керак, масалан "**healthy eating**".
 - **Варианты слова — Сўз шакллари** - муайян сўзнинг шаклларини излаш учун, масалан **colour**, лекин **color** эмас, ушбу сўзни қўштириноқ ичига олиш керак, масалан: "**colour**".
 - **Ограничение поиска — Қидирувни чеклаш** – қидирувга аниқлик киритиш учун **Полный текст – Тўлиқ матн** ёки **Рецензированный – Тақриз қилинган** каби чеклагичларига мувофиқ байроқча белгиларини кўйиб чиқинг.

Эслатма: чеклагичлардан фойдаланиш имконияти қидирув усулларига ва базаларга боғлиқдир.

Фан соҳалари бўйича қидирув

Хар қандай фан соҳасига тегишли бўлган тасвирга сичқончани келтириб, бир оз ушлаб турилса, шу соҳага доир маълумотлар базаларининг рўйхатини кўриш мумкин.

- Фан соҳасининг бош саҳифасига ўтиб, тегишли маълумотлар базаларида қидиувни амалга ошириш учун фан соҳаси ойнасининг юқори қисмидаги **Поиск – Қидиув** ҳаволасига (ссылка) ўтинг.
- Муайян маълумотлар базасининг бош саҳифасига ўтиб, фақат шу базада қидиувни амалга ошириш учун рўйхатдаги керакли маълумотлар базасининг номига сичқончани келтириб, тугмани босинг.

The screenshot shows the ProQuest search interface. At the top, there's a teal header with the ProQuest logo. Below it is a navigation bar with tabs: "Простой поиск" (Simple search), "Расширенный поиск" (Advanced search), "Обзор" (Overview), and "Базы (1)" (Bases (1)). The main search area has a large input field with a placeholder and a magnifying glass icon. Below the input field are two buttons: "Полный текст" (Full text) and "Расширенный поиск" (Advanced search). To the right of the search area are "Советы по поиску" (Search tips) and a help icon. A section titled "Поиск в предметных областях" (Search in subject areas) follows, featuring a grid of eight subject icons with their respective names: Бизнес (Business), Диссертации и дипломные работы (Theses and diplomas), Здравоохранение и медицина (Healthcare and medicine), Искусство (Art), История (History), Литература и языкознание (Literature and linguistics), Наука и технологии (Science and technology), and Социальные науки (Social sciences).

Кенгайтирилган қидиув

The screenshot shows the ProQuest search interface with the "Расширенный поиск" (Advanced search) tab selected. The search form includes fields for "Коды полей" (Field codes) and "Советы по поиску" (Search tips). Below the main search area is a "Добавить строку" (Add line) button. There are also filters for "Ограничить" (Limit by) "Полный текст" (Full text) and "Дата публикации" (Publication date) set to "Все даты" (All dates). At the bottom right are "Поиск" (Search) and "Очистить форму" (Clear form) buttons. A section titled "Дополнительные параметры поиска" (Additional search parameters) follows, containing fields for "Автор:" (Author) and "Найти: Авторы" (Find: Authors), and "Университет/учреждение:" (University/institution) and "Найти: Университеты/учреждения" (Find: Universities/institutions).

Название темы (все):

Научный руководитель:

Индексный термин (ключевое слово):

[Найти: Темы](#)

[Найти: Научные руководители](#)

[Найти: Индексные термины \(ключевые слова\)](#)

Тип рукописи:

Выбрать все
 Магистерские диссертации
 Докторские диссертации

Язык:

Выбрать все
 Английский
 Арабский
 Африкаанс
 Баскский
 Боснийский
 Валлийский
 Венгерский

Сортировать результаты по:

По релевантности

▼

Элементов на странице:

20

▼

Дубликаты: Включать повторяющиеся документы ?

Поиск Очистить форму

Матн майдонининг биринчи сатрига битта ёки бир қанча сўзларни киритинг. Майдон охирида қидирув майдонларининг очиладиган рўйхати мавжуд. Қидирув майдонлари бу алоҳида хужжатларга таалуқли бўлган ва кўрсаткичлар билан белгиланган ахборотнинг алоҳида бирликлари ҳисобланади (масалан, муаллиф, хужжат ёки мавзу номи).

Рўйхатдан майдонни танланг ёки сукут бўйича **Все поля+текст – Ҳамма майдонлар+матн** шартини қолдиринг.

Найти – Топиш тугмасини босинг.

ProQuest тизими белгиланган сўзлар қидирувини сиз танлаган майдонларда амалга оширади.

Агар Все поля+текст - Ҳамма майдонлар+матн шарти танланган бўлса, ProQuest қидирув тизими белгиланган сўзларни (қидирув шартларини) ҳамма майдонларда, шунингдек барча танланган базалардаги ҳамма хужжатларнинг конспектларида ва тўлиқ матнларида ҳам излайди.

Автозаполнение - Автоматик тарзда тўдириш – қидирув шартларини киритиш давомида сўров шаклларини таклиф этиш.

Агар бу вазифа администратор томонидан рухсат этилган бўлса, автоматик тарзда тўлдириш вазифаси ProQuest тизимининг бошқа фойдаланувчилари томонидан бажарилган сўровлардан мувафақиятли равишда фойдаланиш имкониятини беради. Сиз маълумотни киритишингиз давомида рўйхат ўзгариб боради, ва ҳар бир вақтда сиз киритган белгилар билан бошланадиган аввалги қидирув сўровларини акс эттиради. Рўйхатнинг ҳар қайси белгисига босиши орқали тегишли сўровни бирданига бошлашингиз мумкин.

ProQuest тизимининг жорий қидирувига таклиф этилган қидирув шартларини ўчириш учун **Отключить автозаполнение – Автоматик тарзда тўлдиришни ўчириш** ҳаволасига ўтинг.

Мантиқий операторлар ёрдамида қидирув шартларининг ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрнатиш мумкин.

Кенгайтирилган қидирув шаклидаги иккинчи ва учинчи сатрлардан олдин қидирув операторларининг рўйхатлари кўрсатилган менюолар жойлашган. Операторлар қидирув шартлари ўртасидаги ўзаро алоқани белгилайди, ProQuest тизими эса бу шартларга мувофиқ қидирув сўровини бажаради ва талқин этади.

Мантиқий операторлар рўйхати:

Оператор	Тавсифи	Мисол
AND	Ҳамма белгиланган сўзларни ва ибораларни ўз ичига олган хужжатларни излаш. AND \$\$ оператори чеклайди: Чеклаш\$\$ кам микдордаги натижаларни берадиган қидирув.	food AND nutrition
OR	Ҳар қандай белгиланган сўзларни ёки ибораларни ўз ичига олган хужжатларни излаш. OR\$\$ оператори кенгайтиради: Кенгайтириш\$\$ кўп микдордаги натижаларни берадиган қидирув.	food OR nutrition
NOT	Қидирув атамаларининг фақат биттасини (лекин иккинчисини эмас) ўз ичига олган хужжатларни излаш.	nursing NOT shortage
NEAR/n ёки N/n	Бир-биридан белгиланган сўзлар микдори доирасидаги оралиқда жойлашган иккита қидирув атамасини ўз ичига олган хужжатларни излаш. n – ракам билан алмаштиринг. Масалан, 3 – 3та сўз микдоридаги оралиқни ифодалайди.	nursing NEAR/3 education media N/3 women
PRE/n ёки P/n	Иккинчи сўздан олдин келган биринчи сўзни (лекин кўрсатилган сўзлар сони доирасидан ортиқ бўлмаган) ўз ичига олган хужжатларни излаш. n – ракам билан алмаштиринг. Масалан, 4 – биринчи ва иккинчи сўзлар ўртасидаги оралиқ 4 сўздан ортмаслиги керак.	nursing PRE/4 education shares P/4 technologies
EXACT ёки X	Айнан белгиланган иборага мувофиқ излаш. Одатда бу усул муайян майдонлар бўйича қидирувларда кўлланилади, масалан: Мавзу. Масалан, su.exact ("higher education") қидируви higher education funding мавзусига эмас, балки higher education мавзусига оид хужжатларни чиқариб беради.	SU.EXACT("higher education") SU.X("higher education")

Оператор	Тавсифи	Мисол
LNK	<p>Тезаурус (луғат) ойнасидаги муайян спецификаторни (тор маңнодаги сұзни) танлаб ёки оддий қиди्रув, кенгайтирилган қиди्रув, буйруқ қаторидаги қиди्रув сахифаларидаги LNKдан фойдаланиб дескриптор (хужжатнинг асосий маңносини ифодаловчи сұз ёки ибора) атамасини қўшимча сарлавҳа (спецификатор, яъни тор маңнодаги сұз) билан боғланг.</p> <p>Шунингдек, қидирувга тегишли тарзда аниклик киритиш учун бир-бири билан боғлиқ бўлган иккита элементни уланг.</p>	<p>MESH(дескриптор LNK спецификатор) MESH(aspirin LNK "adverse effects") MESH(aspirin -- "adverse effects")</p> <p>IND(«dry eye») (қуруқ кўз синдроми) ёки RG(Canada) (Канада) Канададаги “қуруқ кўз” синдромини даволаш учун мўлжалланган дори ҳақидаги хужжатларни чиқариб беради.</p>

Қидирувни чеклаш

ProQuest администраторлари ва кутубхоначилари қуйида таърифланган имконият шаклларини бошқариб, зарур бўлганда уларни ўчиришлари ёки ёкишлари мумкин. Натижада айрим имконият шакллари кўрсатилмаслиги мумкин. Баъзи бир имкониятлар барча маълумотлар базаларида қўлланилиши мумкин эмас. Агар бу имкониятлардан биронтаси сини қизиқтиrsa, администратор ёки кутубхоначига мурожаат қилинг, лекин ProQuest тизимидан фойдаланаётган вактда уларни ўрганманг.

- Фақат иқтибосни (цитата) ёки абстрактни (реферат) эмас, балки Full text – фақат тўлиқ матнли хужжатларни излаш учун **Полный текст – Тўлиқ матн** байроқча белгисини қўйинг.
- Фақат илмий нашрлардаги хужжатларни излаш учун **Научные журналы - Илмий журналлар** байроқча белгисини қўйинг.
- Фақат тегишли соҳадаги мутахассислар томонидан такриз қилинган хужжатларни излаш учун **Peer reviewed** байроқча белгисини қўйинг.
- Базани сўнгги янгилаш давомида киритилган хужжатларни излаш учун **Последнее обновление – Сўнгги янгилаш**(агар кўрсатилган бўлса) ўтказгичини ёқинг. Бу имконият ҳамма базалар томонидан қўлланилмайди.
- **Диапазон дат – Саналар оралиғи** очиладиган рўйҳати фақат белгиланган муддатда чоп этилган хужжатлар билан қидирувни чеклаш имкониятини беради.

Қидиувни чеклаш — қўшимча имкониятлар

Показать больше – Кўпроқ кўрсатиш ҳаволаси қидиувни чеклайдиган қўшимча шартлардан фойдаланиш имкониятини беради, масалан **Тип источника-Манба тури** ёки **Тип документа-Хужжат тури**, танланган базаларга мувофиқ равишда (қўшимча имкониятларни яшириш учун **Показать меньше -Камроқ кўрсатиш ҳаволасига ўтинг**). Сўнг учта энг кенг тарқалган чеклайдиган шартларнинг тавсифи берилади.

- **Тип источника-Манба тури** - битта ёки бир қанча манба турларига доир хужжатлар билан қидиувни чеклаш имкониятини беради, масалан журналлар, газеталар ёки соҳаларга оид нашрлар билан чеклаш. Манба турларининг рўйхати қидиув бажарилаётган базаларга боғлиқдир.

- **Тип документа — Хужжат тури**— битта ёки бир қанча хужжат тури билан қидиувни чеклаш имкониятини беради, масалан мақолалар, аудио-ёки видеороликлар, ёки шеърлар билан чеклаш. Хужжатлар турларининг рўйхати қидиув бажарилаётган маълумотлар базасига боғлиқдир.

- **Язык - Тил** — битта ёки бир қанча муайян тилларда чоп этилган хужжатлар билан қидиувни чеклаш, масалан араб, немис тилларида ёки санскрипда. Тиллар рўйхати қидиув бажарилаётган маълумотлар базаларига боғлиқдир.

- **Дубликаты — Нусхалар** - бир хил хужжатдан турли маълумотлар базаларида фойдаланиш имконияти берилганда, нусхалар (такрорланадиган хужжатлар) пайдо бўлади. **Включить повторяющиеся документы – Такрорланадиган хужжатларни қўшиш** майдони танланганда, ProQuest тизими топилган хужжатнинг ҳар бир базадаги ёзувларини чиқариб беради. Натижалар рўйхатида ҳар бир хужжатга ҳаволалар келтирилади. Агар ушбу майдон белгиланмаса (сукут бўйича ҳолати), ProQuest тизими факат биргина маълумотлар базасидаги хужжатни чиқариб беради.

Символы подстановки и усечения – Алмаштириш ва қиқартириш рамзлари

Ҳар хил шаклдаги сўзлардан ёки бир хил кетма-кетликдаги белгилар билан бошланадиган сўзлардан иборат бўлган хужжатларни излаш учун алмаштириш ёки қисқартириш рамзларидан фойдаланиш мумкин.

Ра мз	Тавсифи	Мисол
?	Алмаштириш рамзи ? сўздаги ҳар қандай белгини алмаштириш имкониятини беради. Бир неча белгиларни акс эттириш учун бир қанча алмаштириш рамзларидан фойдаланиш мумкин.	nurse? Қидирув натитжаси: nurses, nursed, лекин nurse эмас sm?th Қидирув натижаси: smith ва smyth ad??? Қидирув натижаси: added, adult, adopt
*	Қисқартириш рамзи (*) Қидирув шартининг турли шакларини олиш имкониятини беради. Бу рамз қидирув атамаларининг бошида (чап томондан қисқартириш), охирида (ўнг томондан қисқартириш) ёки ўртасида ишлатилиши мумкин. Ҳар бир қисқартирилган сўзнинг 500га яқин шакллари бўлиши мумкин. Стандартное усечение - Намунаий қисқартириш (*) қидирув сўровининг турли шакларини олиш имкониятини беради ва 10гачан белгиларни алмаштириши мумкин. Муайян қисқартириш ([*n] ёки \$n) кўрсатилган миқдордаги белгилар кетма-кетлигини алмаштириши мумкин, масалан [*50]. Энг кўп миқдор — 125.	nurse* Қидирув натижаси: nurse, nurses, nursed colo*r Қидирув натижаси: colour, color *old Қидирув натижаси: told, household, bold [*5]beat Қидирув натижаси: upbeat, downbeat, offbeat, heartbeat
\$n ёки [*n]	\$n ва [*n] тенглаштирилган операторлари қисқартирилиши керак бўлган белгиларнинг зарур миқдорини белгилаш имкониятини беради.	nutr\$5, nutr[*5] Қидирув натижаси: nutrition, nutrient, nutrients
<	...дан кам. Нашр санаси каби рақамли майдонлар учун ишлатилади.	YR(<2005)
>	...дан кўп. Нашр санаси каби рақамли майдонлар учун ишлатилади.	YR(>2005)
<=	...дан кам ёки teng. Нашр санаси каби рақамли майдонлар учун ишлатилади.	YR(<=2005)
>=	...дан кўп ёки teng. Нашр санаси каби рақамли майдонлар учун ишлатилади.	YR(>=2005)
-	Нашр санаси каби рақамли майдонларда чизиқча белгиси оралиқ доирасини белгилайди.	YR(2005-2008)

Тезаурус (батафсил маълумотларга эга бўлган луғат) ёрдамида қидирув

«Расширенный поиск» - “Кенгайтирилган қидирув” ёки «Поиск из командной строки» - “Буйруқ сатридаги қидирув” шаклининг юқоридаги ўнг қисмида жойлашган **Тезаурус** ҳаволасига ўтинг. Ҳозирги вақтда танланган базалар орқали фойдаланиш мумкин бўлган тезауруслар (луғат) номларининг рўйхати кўрсатилган янги ойна очилади. Тезаурусни (луғат) очиш учун унинг номини босинг. Сиз бажаришингиз мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатлар:

- Тезауруса (луғат) атамаларни излаш;
- алфавит кетма-кетлиқда берилган ҳаволалар ёрдамида тезауруснинг (луғат) атамалар рўйхатини кўриб чиқиши;

MEDLINE ёки EMBASE базаларининг тезаурусларида (луғат) атамани излаш ёки кўриб чиқиши давомида изланаётган атамани ўз ичига олган мақолалар рўйхати экранда акс эттирилади. Рўйхатдан мақолани танлашда изланаётган атаманинг тезаурус (луғат) таркибидаги ўрни кўрсатилиб, зарур бўлса юқорироқ ёки пастроқ жойлашган атамаларни ҳам кўриб чиқиши учун бошқа мавзуларни очиш ёки ёпиш мумкин. Шунингдек, танланган атамани бошқа кенг ёки тор маънодаги атамалар доирасида кўриб чиқиши учун **Относительное представление – Нисбий тасаввур** ҳаволасига ўтиш керак. **Просмотр терминов – Атамаларни кўриб чиқиши** менюсида **Корень – Илдиз** ҳаволасига ўтиш орқали EMBASE ёки MEDLINE тезаурусининг (луғат) бутун тузилишини, яъни атаманинг илдиз даражасидан бошлаб кўриб чиқиши мумкин. Бошқа тузилмадаги тезаурусларда (луғатлар) **Все –Хамма** ҳаволаси ёрдамида 50та мақолаларни акс эттириш ва уларнинг ҳар бири учун кенг ёки тор маънодаги атамаларни кўриб чиқиши мумкин.

- тезаурусадан (луғат) битта ёки бир қанча атамаларни танлаш ва қидирув сўровига кўшиши.

Тезаурусдаги (луғат) атамаларни қидирув сўровига киритиб, сиз қидирувни кенгайтиришингиз ёки чеклашингиз, шунингдек сизни қизиктирсан мавзу билан яқинроқ танишиш учун мавзуга боғлик бўлган сўзларни топишингиз мумкин. Сиз тезауруса топилган атамаларни буйруқ қаторидаги қидирув ёки жорий кенгайтирилган қидирувингиз билан бирлаштиришингиз мумкин.

1. Тезаурусадан (луғат) битта ёки бир неча атамаларни танланг.
Танланган атамалар **Тезаурус - Луғат** ойнасининг юқоридаги чап қисмида жойлашган майдонда акс этади ва автоматик тарзда янгиланади. Танланган атамаларнинг жорий рўйхатини кўриб чиқиши учун ҳар қандай пайтда **Просмотреть – Кўриб чиқиши** ҳаволасига ўтиш мумкин.

Агар сиз бир неча атамаларни танлаган бўлсангиз, қидирув шартларингизни бирлаштириш учун қуидаги операторлардан бирини белгиланг:
OR (сукут бўйича оператор) AND NOT

1. **Добавить в поиск – Қидирувга қўшиш** тугмасини босинг. Сиз танлаган майдонга шартларингиз қўшилади. Тезаурус ойнаси ёпилади.
2. **Қидирув шаклига шартларни қўшиб,** уларни оператор ёрдамида қидирувнинг бошқа қисмлари билан бирлаштиринг.

Мухим маълумот: агар **Тезаурус – Луғат** ойнасида тезаурус очилган бўлса, бошқа тезауруслари очиш учун ойнанинг юқори қисмида жойлашган кўк рангли панелдаги **Выбрать другой тезаурус –Бошқа луғатни танлаш** ҳаволасидан фойдаланиш мумкин.

Тезаурус билан ишлаш учун асбоблар

Тезаурусда топилган ҳар бир атаманинг ёнида қалин ҳарфлар билан ажратилган битта ёки бир қанча шундай (ёки ўхшаш) сўзлар ёки иборалар бўлади.

Атамани қўллаш/ўрнига қўллаш — расмий атамаларни кўрсатувчи ўхшаш тушунчалар.

- **Предпочтительно использовать — Қўллаш афзал** – қидирув сўровларида фойдаланишга тавсия этилган атамалар.
- **Более узкие термины — Тор маънодаги атамалар** – кўплаб ёзувлар билан боғлиқ бўлган чекловчи атамалар.
- **Более широкие термины — Кенг маънодаги атамалар** – кўплаб ёзувлар билан боғлиқ бўлган камроқ чеклайдиган атамалар.
- **Связанные термины — Боғлиқ бўлган атамалар** - қидирув сўровларида фойдаланиш учун тавсия этилган ўхшаш атамалар.

• Примечания о сфере — Фан соҳасига доир изоҳлар – нашр мавзусига оид маълумотларни ўз ичига олади. Бундай изоҳлар муайян мавзулар, мавзули атамаларнинг юзага келиш йили, шунингдек бошқа мухим маълумотларни ўз ичига олади.

Спецификаторларга эга бўлган мавзули атамалар тезауруслари

MeSH (MEDLINE) ва EMBASE базаларининг тезаурусларида (лугат) мавзули атамалар билан боғлиқ бўлган спецификаторларни (тор маънодаги атамалар) танлаш ва кўриб чиқиш мумкин.

Изоҳлар ва спецификаторлар (тор маънодаги атамалар) белгилар билан кўрсатилади. Тегишли белгини босиш орқали қидирувни амалга ошириш учун изоҳларни ёки спецификаторлар (тор маънодаги атамалар) рўйхатини кўриб чиқиш мумкин.

Қидирув шартини «кенгайтириш»

Фақат тезаурусга (лугат) эга бўлган базаларда «кенгайтириш» вазифасидан фойдаланиш мумкин. Қидирув шартининг “кенгайтириш” тушунчаси мавзули атамани ва у билан боғлиқ бўлган барча тор маънодаги атамаларни топишни ифодалайди. Ҳар бир тезаурусада (лугат) муайян мавзуни тор маънодаги атамаларга ажратиш орқали кенгайтириш мумкин.

Базалардаги хужжатларнинг тор маънодаги атамалари кўрсаткичлар билан белгиланганлиги боис, кенг маънодаги атамаларни танлагандা, баъзи бир хужжатлар натижалар рўйхатига кирмаслиги мумкин. “Кенгайтириш” вазифаси кенг кўламли мавзуга оид барча хужжатларни топиш имкониятини беради.

Мавзуга оид атамани кенгайтириш ёрдамида ушбу атама, шунингдек унинг таркибидаги ҳамма боғлиқ бўлган атамалар изланади.

Қидирув сўровига тор маънодаги атамаларни киритиш учун тезаурусдаги атаманинг ёнига **Развернуть - Кенгайтириш** байроқча белгисини қўйинг.

Мавзуга оид асосий атамалар қидируви

Тезаурусдаги (лугат) асосий мавзуларнинг номлари сифатида ишлатиладиган атаманинг шаклларини қидириш учун изланаётган атаманинг ёнидаги **Основные – Асосий** майдонда байроқча белгисини қўйинг.